

Қ А Р О Р

2022 йил июль ойининг 25 куни жиноят ишлари бўйича Боғдод туман судининг очик суд мажлисида, ўз бинотида бўлиб, раислик қилувчи туман судининг раиси О.Мирсадиков, Ж.Кенжаевнинг котиблигида, Учкўприк туман ИИБ бошлиғининг Жакбаров Орифжон Рахмоналиевични сурункали алкоғолизмдан мажбурий даволашга юбориш ҳақидаги тақдимномасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Жакбаров Орифжон Рахмоналиевич, 01.08.1976 йилда Учкўприк туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оиласиз, муқаддам:

- 1) 07.01.2022 йил куни Учкўприк тумани ИИБ томонидан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 187-моддаси 1-қисмига асосан 135.000 сўм жарима жазоси тайинланган,
- 2) 23.03.2022 йил куни Учкўприк туман ИИБ томонидан томонидан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 56¹-моддаси билан 100.000 сўм жарима тайинланган, ишламайди, Учкўприк тумани, Чўзма қишлоғида яшайди.

Фуқаро Жакбаров Орифжон Рахмоналиевич спиртли ичимлик истеъмол қилувчи шахс, яъни у сурункали алкоғолизм касалига мубтало бўлиб, сурункали спиртли ичимлик истеъмол қилганлиги учун ўз ихтиёри билан даволаниб келган бўлишига қарамай, ҳозирда ҳам спиртли ичимлик истеъмол қилишга мубтало бўлганлиги оқибатида спиртли ичимлик истеъмол қилиб, жамоат жойларида бақир-чақир қилиб, фуқаролар тинчлигини бузиб келаётганлиги аниқланган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган фуқаро Жакбаров Орифжон Рахмоналиевич, ҳақиқатдан ҳам доимий равишда спиртли ичимлик истеъмол қилишини, ичиб олган вақтларида ўзини билмай қолишини, спиртли ичимлик ичишни ташлай олмайгани, ҳозирда ўзини мажбурий тартибда даволашга юборишга қаршилиги йўқлигини билдирди.

Бундан ташқари, О.Жакбаров Учкўприк туман ИИБ ходимлари томонидан олиб борилган тадбирларга қарамасдан спиртли ичимлик истеъмол қилишни тўхтатмаган.

Фуқаро Жакбаров Орифжон Рахмоналиевич алкоғолизм бўлими кўригидан ўтказилганда, у сурункали алкоғолизм касали бўлиб мажбурий даволанишга муҳтож бўлганлиги учун даволаниш муассасига юбориш ҳақидаги хулоса берилган.



Суд, иш бўйича тўпланган ҳужжатлар ҳамда наркалогия бўлими хулосаси, Учкўприк туман ИИБ бошлиғининг тақдимномасига асосан “Норкологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27 октябрдаги Қонунини қўллаб, суд

қ а р о р к и л а д и:

Учкўприк туман ИИБ бошлиғининг тақдимномаси каноатлантирилсин.

Жакбаров Орифжон Рахмоналиевич сурункали алкоголизидан мажбурий даволаш мақсадида Фарғона вилоят наркалогия диспансери мажбурий даволаш бўлимига юборилсин.

Қарор нусхаси ижро қилиш учун Учкўприк туман ИИБ бошлиғи ва Фарғона вилояти 2-сонли наркалогия диспансери бош шифокорига юборилсин.

Қарордан норози тарафлар қарор чиқарилган кундан бошлаб 72 соат ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судига апелляция шикояти ёки протест келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи: (имзо) О.Мирсадиқов

Нусхаси аслига тўғри О.Мирсадиқов

